

**«ТАСДИҚЛАНГАН»  
«O'zki-myosanoat» АЈнинг  
Кузатув кенгаши томонидан  
«17» февраль 2021 йил  
10-сонли қарори билан**



**«ЎЗКИМЁСАНОАТ» АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ  
КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИСИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМИ  
(ЯНГИ ТАҲРИР)**

## **I - бўлим.**

### **Умумий қоидалар**

1.1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни, акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссияси йиғилишининг баённомаси билан (11.02.2016й. № 02-02/1-187) тасдиқланган корпоратив бошқарув Кодексининг тавсиялари, «Ўқимёсаноат» АЖ (матн бўйича – Жамият) уставига мувофиқ ишлаб чиқилган ҳамда Жамият корпоратив маслаҳатчиси мавқеини белгилайди ва уни ишини, сайланишини шунингдек унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тартибга солади.

1.2. Корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг мансабдор шахси ҳисобланиб Жамият Кутазув кенгашига ҳисобдор.

## **II - бўлим.**

### **Корпоратив маслаҳатчини тайинлаш тартиби**

2.1. Корпоратив маслаҳатчи Жамият Кутазув кенгаши томонидан тайинланади.

2.2. Корпоратив маслаҳатчи номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлашда қарор оддий кўпчилик овоз билан Кутазув кенгаши томонидан қабул қилинади.

2.3. Корпоратив маслаҳатчи лавозимига номзод Жамият Кутазув кенгашига у жиноий, маъмурий ва бошқа жавобгарликга тортилган фактлар тўғрисида хабар бериши мажбур.

2.4. Корпоратив маслаҳатчи лавозимига номзод унинг нозоди кўриб чиқилишида Жамият Кутазув кенгашининг мажлисида қатнашиши мумкин.

2.5. Жамият Кутазув кенгаши томонидан корпоратив маслаҳатчи номзоди тасдиқлангандан сўнг у билан мажбуриятларни бажаришга меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишуви имзоланади. Корпоратив маслаҳатчи билан меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишуви бир йил муддатга тузилади ва уни узайтириш ёки бекор қилиш мумкинлиги тўғрисидаги ҳар йили қарор қабул қилинади. Жамият номидан шартнома Кутазув кенгаши раиси томонидан имзоланади.

2.6. Корпоратив маслаҳатчи Жамият уставига шунингдек меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишуви шартларига риоя қилмаган тақдирда бир вақтда меҳнат шартномаси ёки меҳнат келишуви бекор қилиниб у эгаллаб турган лавозимдан озод қилиниши мумкин. Корпоратив маслаҳатчини чақириб олиш ва у билан меҳнат шартномасини ёки меҳнат келишувини бекор қилиш тўғрисидаги қарор Жамият Кутазув кенгаши томонидан қабул қилинади.

## **III - бўлим.**

### **Корпоратив маслаҳатчини ваколатлари ва мажбуриятлари**

3.1. Корпоратив маслаҳатчи мазкур Низомда, ва у билан тузилган меҳнат шартномада ёки меҳнат келишувида, Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши, кутазув кенгаши қарорларида белгиланадиган ваколат доирасида ҳаракат қилади.

3.2. Корпоратив маслаҳатчини асосий функцияси Жамиятда корпоратив қонунчилигига риоя қилиниши бўйича назорат қилишдан иборат. Ўзининг асосий функцияси доирасида корпоратив маслаҳатчи:

3.2.1. Жамиятнинг корпоратив стандартларини ва корпоратив ҳужжат айланиши намуналарини ўрганади;

3.2.2. Жорий қонунчиликга Жамиятнинг корпоратив стандартлари ва бошқа ҳужжатлари номувофиклигини аниқлайди, Жамият Кутазув кенгашига уларни бартараф қилиш бўйича таклифлар киритади;

3.2.3. корпоратив бошқарув ва назорат органлари фаолияти, шунингдек корпоратив стандартларга Жамиятнинг етакчи мансабдор шахсларини характерлари мувофиклиги мониторингини амалга оширади;

3.2.4. ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқишга қабул қилади ва улар бўйича тавсиялар беради ёки уларни ишлаб чиқишда қатнашади;

3.2.5. корпоратив ҳужжат айланишини ташкиллаштиришда методологик ёрдам кўрсатади;

3.2.6. корпоратив бошқарув ва назорат органлар аъзолари шунингдек акциядорлар ёки уларнинг вакиллари илтимосига кўра корпоратив қонунчилик ва корпоратив бошқарувнинг энг яхши тажрибасини жорий этиш масалалар бўйича хусусий маслаҳатлар беради;

3.2.7. корпоратив бошқарув тамойилларини жорий этиш бўйича таклифларни тайёрлайди ва Жамият Кутазув кенгашига кўриб чиқиш учун киритади;

3.2.8. корпоратив қонунчиликга риоя қилиниши ҳолати тўғрисида Жамият кутазув кенгаши олдида ҳисобот беради ва корпоратив маслаҳатчи ҳулосасини тақдим этади;

3.2.9. Жамият Кутазув кенгашининг алоҳидаги фармойишлари бўйича маслаҳат ишларини бажаради;

3.3. Жамиятнинг корпоратив бошқарув ва назорат органлари корпоратив маслаҳатчини Жамиятдаги корпоратив воқеаларга оид барча ҳужжатлар нусхалари билан таъминлаши шарт. Шундай ҳужжатлар қаторига:

3.3.1. Жамият устави ва ички низомлари, Жамият раҳбариятнинг лавозим йўриқномалари, қимматли қоғозлар эмиссия рисоалари ва уларнинг чиқарилиши бўйича қарорлари;

3.3.2. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши, кутазув кенгаши мажлиси, тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати ва санок комиссияси баённомалари;

3.3.3. Жамият корпоратив бошқарув ва назорат органларининг иш режаси ва уларнинг бажарилиши бўйича ҳисоботлари;

3.3.4. Жамият бизнес режаси;

3.3.5. Жамият тафтиш комиссияси, ички аудит хизмати ва аудиторлик ташкилотининг ҳулосалари;

3.3.6. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофик шундай деб тан олинган аффиланган шахслар, йирик битимлар ва аффиланган шахслар билан битимлар тўғрисидаги маълумотлари;

3.3.7. корпоратив бошқариш ва назорат органларининг қарорларни ўз ичига олувчи бошқа ҳужжатлари шунингдек шундай қарорларни объекти ҳисобланган ҳужжатлари тегишли бўлади.

3.4. Жамият раҳбарияти билан келишилган ҳолда корпоратив маслаҳатчи ўз хизмат вазифасига кўра корпоратив воқеалар ва ўзаро муносабатларга шу жумладан Жамият акциядорлар реестри, Жамият акциядорларининг ва бошқа

манфаатдор шахсларининг ёзма мурожаатлари, Жамиятнинг ички ва ташқи ёзишмаларига доир Жамиятнинг хар қандай бошқа хужжатлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

3.5. Корпоратив маслаҳатчи хужжатлардан олинган нусхаларнинг бутлигига жавобгардир. Корпоратив маслаҳатчи билан меҳнат шартномаси ёки меҳнат битишуви бекор қилинганда унга ишониб топширилган хужжатларни рўйхат бўйича қайтариб бериши шарт.

3.6. Корпоратив маслаҳатчининг ишлаш шароити ва моддий рағбатлантириш ишга ёллаш меҳнат шартномаси ёки меҳнат битишувига мувофиқ келишиб олинади ва амалга оширилади.

#### **IV - бўлим.**

##### **Корпоратив маслаҳатчини ишлаш тартиби**

4.1. Корпоратив маслаҳатчи ўз функцияларини доимий равишда ёки ўриндошлик асосида (меҳнатга вақтбай ҳақ тўлаш) бажаради.

4.2. Жамият кутазув кенгаши бир йўла тартибда корпоратив маслаҳатчига унинг иш режасида акс эттирилмаган ишлар бўйича фармойишлар бериши мумкин. Шундай топшириқларнинг тури корпоратив маслаҳатчи билан тузилган меҳнат шартномаси ёки меҳнат битишувида назарда тутилган бўлиши шарт.

4.3. Корпоратив маслаҳатчи корпоратив бошқарув ва назорат органларининг режалаштирилган барча мажлислари ҳақида огохлантирилади. Корпоратив маслаҳатчи корпоратив бошқарув ва назорат органларининг барча мажлисларида қатнашиш ҳуқуқига эга. Корпоратив маслаҳатчи ушбу мажлисларда маслаҳат овози ҳуқуқи билан қатнашади.

#### **V - бўлим.**

##### **Корпоратив маслаҳатчини масъулияти**

5.1. Корпоратив маслаҳатчи унга хизмат мавқеи билан тақдим этилган ҳуқуқларидан у билан меҳнат муносабатларида бўлган юридик ва жисмоний шахслар мақсади ва манфаатлари йўлида фойдаланиши мумкин эмас.

5.2. Корпоратив маслаҳатчи Жамиятнинг мол-мулкидан фойдаланишида шахсий даромад олиш бўйича ҳаракатларга йўл қўйиши мумкин эмас.

5.3. Жамият корпоратив маслаҳатчиси у ўз функцияларини бажармаслик ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида Компанияга етказилган зарар учун, амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Жамият уставига мувофиқ Жамиятга етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаш бўйича Жамият олдида жавобгардир.

#### **VI - бўлим.**

##### **Корпоратив маслаҳатчини тақдирлаш**

6.1. Корпоратив маслаҳатчи хизмат мажбуриятларини бажариши бўйича ўз фаолияти учун хар ой иш ҳақи ва мукофот пули олишга ҳақли.

6.2. Ушбу Низомда белгиланган компенсациялардан ташқари, жамият кузатув кенгашининг тавсиясига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан йил якуни бўйича корпоратив маслаҳатчига корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашнинг қоникарли (ёки юқори) натижаларига эришилганлиги,

шунингдек хисобот натижаларига кўра жамият фаолиятининг молиявий натижаларини (соф фойда прогноз параметрларини бажарганлиги) шаклантириш учун қўшимча равишда бир марталик мукофот пули тўланиши мумкин.

6.3. Иш ҳақи ва тақдирлаш миқдори меҳнат шартномаси тузилаётганда Жамият кутазув кенгаши томонидан белгиланади. Иш ҳақи бўйича харажатлар Жамиятни йиллик бизнес ражасининг харажатлар сметаси қисмига киритилади.

## **VII - бўлим. Яқуний қоидалар**

7.1. Мазкур Низом Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради ва ўз кучини йўқотган деб топилгунга қадар амал қилади.

7.2. Агар мазкур Низомни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

7.3. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари ёхуд Жамият уставида мазкур Низомда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ва Жамият уставини қўлланилади.

7.4. Мазкур Низом кучга кирган кундан бошлаб, аввал акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган «Ўзкимёсаноат» АЖ корпоратив маслаҳатчи тўғрисида»ги низом ва унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотади.